

Халқ сўзи

Ўзбекистон - келажаги буюк давлат



1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2009 йил 12 февраль, № 31 (4694)

Пайшанба

СИФАТЛИ МАХСУЛОТ — МУВАФФАҚИЯТ ГАРОВИ



Мамлакатимиз иқтисодийетини янада ривожлантириш борасида амалга оширилайётган кенг қўламли ислохотлар халқимиз фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилмоқда. Юртимизда хорижий ишбилармонлар билан ҳамкорликда ташкил этилган корхоналарнинг муваффақиятли иш юритиши учун барча қўламлиликлар яратилган.

Б

у эса хориж иш одамларининг мамлакатимизга сармоа кириштига қизиқишини тобора оширмоқда. Ўзбекистон ва Австрия ишбилармонлари ҳамкорлигининг маҳсули бўлган "EuroStone" қўшма корхонаси бунинг далилидир. Пойтахтимизда 2004 йилдан буён фаолият юритаётган "EuroStone" Ўзбекистон-Австрия қўшма корхонаси илгор технологиялар асосида пол, девор, зина ва ошхона жиҳозлари учун турли ўлчам ва рангдаги қоплама плиталар — безактошлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Корхонада замонавий технологиялар асосида тайёрланаётган маҳсулотлар юқори сифати, халқаро андозаларга мослиги ва рақобатбардошлиги билан харидорлар эътиборини тортмоқда. Маҳсулот ишлаб чиқаришда зарур хом ашё — табиий тош агломерати ва мармар бўлаклари мамлакатимизнинг ўзидан олинади. Қўшма корхона ҳар куни 1,5 минг квадрат метр қоплама плиталар ишлаб чиқариш қувватига эга. 2008 йили маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 877 миллион сўмини ташкил этди. Корхона ахли жорий йилда мазкур кўрсаткични янада оширишни ниятда.

(Давоми 2-бетда).

Наманган вилоятининг шаҳар ва туманларида, ўқув даргоҳларида Президентимиз Ислам Каримовнинг "Юксак маънавият — энгилмас куч" асари мазмун-моҳияти, маънавий ҳаётимиздаги аҳамиятига бағишланган давра суҳбатлари, учрашуви ва мулоқотлар бўлиб ўтмоқда.

БАРКАМОЛЛИК МЕЗОНИ

Ана шундай тадбирлардан бири Наманган қурилиш ва коммунал хўжалик касб-хўнар коллежидда бўлиб ўтди. Унда ёзувчи ва шоирлар, олим ва мутахассислар, ўқувчи ва талабалар иштирок этди. Тадбир қатнашчилари ушбу асарда маънавий тушунчаси ҳамда унинг миллий давлатчилигимиз тарихи ва бугунги кунимиздаги аҳамияти тегар ташхил қилинганини алоҳида кайд этдилар. Давлатимиз раҳбари мазкур асарда таъкидланганидек, маънавият — инсонни руҳан поклашиш, қалбдан улғайтишга қўрайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, йирион-эътиқодини бутун қиладиган, виқдонини ўйготадиган бекиёс куч, унинг барча қарашларининг мезонидир. Эро, юксак маънавият эга бўлган халқи ҳеч қандай қуч енга олмади.

ЭНГ ФАОЛ МАЪНАВИЯТ ТАРФИБОТЧИСИ

Глобаллашув жараёнлари, гоёвий ва инфомацион курашлар кучайиб бораётган ҳозирги вақтда маънавий-маърифий ишларни замон талаблари асосида ташкил этиш, ёшларимизни турли мафкуравий хуружлардан ҳимоя қилиш барчамизнинг зиммамизга алоҳида масъулият юклайди.

Президентимиз Ислам Каримовнинг миллий гоё тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини оширишга йўналтирилган қарори бу борадаги ишларни янги босқичга олиб чиқиш, Ватанимиз мустақиллигининг маънавий асосларини мустаҳкамлаш, миллий қадриятларимизни эъзозлаш, ёш авлод қалби ва онгига она

юртта муҳаббат, истиқлолга садоқат туйғуларини чуқур синдиришда муҳим дастурилмал бўлаётир. Мазкур ҳужжат ихроси юзасидан Ўзбекистон «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Республика маънавият тарғибот маркази, Хотин-қизлар кўмитаси ва «Маҳалла» жамғармаси томонидан ташкил этилаётган «Энг фаол маънавият тарғиботчиси» танлови ҳам навқирон авлоднинг

Қарор ва ижро

ислохотлар жараёнидаги фаоллигини янада ошириш, иқтидорли ёшларни излаб топиш ва уларга ўз салоҳиятини намоён этишида яқиндан қўмақлашишга қаратилган.

«Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар кенгашидан маълум қилишларича, бу йил танловга олий ўқув юртлари ва меҳнат жамоаларидаги минг нафардан кўпроқ йигит-қиз иштирок этган. Пойтахтимизда мазкур танловнинг Тошкент шаҳар босқичи бўлиб ўтди. Унда тўман босқичларида голиб бўлган ўн икки нафар ёш тарғиботчи ўзаро беллашди. Баҳолаш жараёнида иштирокчиларнинг ёшлар орасида олиб бораётган маънавий-маърифий тарғибот ишлари, Президентимиз фармонлари, қарорлари ва давлат дастурларининг мазмун-моҳиятини тарғиб этишга оид ишлари, нотикилик маҳорати ва ижодий салоҳияти, иш юритишда замонавий ахборот технологияларини қўллаш самаралари атрафлича тахлил этилди. Тошкент давлат юридик институтини аспиранти Бахтиёр Аҳмадхонов пойтахтимизнинг энг фаол маънавият тарғиботчиси, деб топилди.

Б. ХИДИРОВА,
ЎЗА МУХБИРИ.

МАМЛАКАТ БЎЙЛАБ

Жорий йилнинг 1 февралдан «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ Россия Федерацияси ҳудуди бўйлаб электрон пул ўтказмаларини йўлга қўйди. Бундай электрон айланмалар Бутунжаҳон почта уюшмасининг Халқаро молия тизими орқали амалга оширилди.

Россия Федерацияси ҳудуди бўйлаб электрон пул ўтказмаларини йўлга қўйди. Бундай электрон айланмалар Бутунжаҳон почта уюшмасининг Халқаро молия тизими орқали амалга оширилди.

Лизинг — фермерга мадад

Лизинг деҳқон ва фермер хўжалиқларини янги замонавий техника воситалари билан таъминлашнинг самарали воситасига айланди.

Самарқанд вилоятида барча синовлардан муваффақиятли ўтган, жисмонан ва ақлан етуқ йигитларнинг дастлабки гуруҳини мударри ҳарбий хизматга кузатиш маросими бўлиб ўтди.

Йигитлар хизматга отланиши

Байрамона тарзда ташкил этилган мазкур тадбирда сўзга чиққан ҳарбий қисмлардан келган офицерлар, ота-оналар, жамоатчилик вакиллари мамлакатимиз Куролли Кучларида амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар, ҳарбий ошмакларга яратилаётган шарт-шароитлар, имтиёзлар ҳақида тўхтадилар. Шунингдек, тадбирда мамлакатимиз Президентининг 2008 йил 20 ноябрдаги «Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучларида мударри ҳарбий хизматини ўташ шарт-шароитларини тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони асосида эндиликда бир йилда бир марта қақриувнинг амалга оширилиши ота-оналар учун ҳам, ҳарбий хизматчилар учун ҳам катта қўлайлик яратганлиги эътироф этилди. Тадбир сўнггида ҳарбий хизматга йўл олган йигитларга эсдалик совғалари ҳамда «Армия — ҳаёт мактаби» қўлланмаси топширилди.

А. САТТОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Электрон пул ўтказмалари

«Ўзбекистон почтаси» очик ақциядорлик жамияти халқаро электрон пул ўтказмалари бозорини йўлга қўйди.

Бундай хизмат тури «Ўзбекистон почтаси» очик ақциядорлик жамияти почта алоқасининг барча туман бўлиналарида йўлга қўйилган.

Э. ДОЛИМОВ.

Тиббий хизмат яхшиланади

Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида Жиззах вилояти қишлоқларидаги барча туғуруқ мажмуалари «Саломатлик-2» лойиҳаси асосида Осиё Тараққиёт банки кредити эвазига замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланадиган бўлди.

Утган йили мазкур лойиҳага биноан вилоятдаги 3 та туман тиббиёт бirlашмаларининг силга қарши кураш диспансерлари, 7 та ҚВПлари «Дамас» русумли автомашиналар билан таъминланди. Шунингдек, Япония ҳукуматининг «Яйка» халқаро ташкилоти томонидан 50 та қишлоқ врачлик пунктларида келтирилган 88 турдаги тиббиёт асбоб-ускуналари қишлоқ ахлига малакали тиббий хизмат кўрсатишда қўл келмоқда.

Б. САТТОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ЎЗБЕКISTON ИҚTISODИЙ РИВОЖЛAНИШ ЙЎЛИДА ШАҲДАМ ОДИМЛАМОҚДА

ХХР Фанлар академиясининг «Россия, Шарқий Европа ва Марказий Осиё бозори» журналида «Ўзбекистон иқтисодий ривожланиш йўлида шаҳдам одимламоқда» сарлавҳали мақола эълон қилинди.

Унда, жумладан, Ўзбекистоннинг сиёсий, иқтисодий тараққиёти давлат ва жамият қурилиши стратегияси мамлакатнинг тарихий шаклланган миллий ва маданий ўзига хослиги ҳамда табиий-иқтисодий, маъданӣ хом ашё ва аҳоли салоҳиятига таянган ҳолда белгилаб олингани таъкидланади. Қисқа муддат ичида углеводород хом ашёсини қази олиш ва қайта ишлашга қаратилган аниқ мақсадли дастурлар ишлаб чиқилди ва амалга оширилди. Шунингдек, иқтисодийта зарур инвестициялар жалб этилиб, уллар, жумладан, хорижий капитал ҳисобига янги нефть ва газ конларини қидириб топиш, нефть ва газни қазиб олиш борасидаги лойиҳаларга йўналтирилди. Янги Бўхоро нефтни қайта ишлаш заводи барпо этилди, Фарғона ва Ортириқ нефтни қайта ишлаш заводи рақобатчиликни қилиниб, замонавийлаштирилиши натижасида корхоналарнинг барқарор ишлаши таъминланди. Утган йиллар давомида мамлакатда ўз имкониятлари борасида ноёб бўлган «Шўртангазим» маҳмуаси барпо этилиб, у нафақат мамлакатда, балки хорижда ҳам улкан талаб мавжуд бўлган суулотрилган газ, турли русумлардаги полиэтилен ва бошқа турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқармоқда.

Биз ва жаҳон

100 миллиард доллардан ошувчи инвестициялар жалб этилди. — Истиқлол даврида қишлоқ хўжалиги тубдан ўзгарди, — дея қайд этилади мақолада. — Ўзбекистонда хусусий фермер хўжаликлари ташкил этилиб, уллар қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш соҳасининг асосига, унинг барқарор ва самарали фаолият юритишини таъминловчи ўзига хос локомовига айланди. Бозор инфратузилимаси деярли қайтадан ташкил этилиб, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва қўллаб-қувватлаш сифатида жийдадан янги-янги тамоқиллар асосида барпо этилди.

Шу билан бирга, галла мустақиллигини таъминлаш каби ниҳоятда муҳим масала белгиланди ва муваффақиятли тарзда ҳал этилди. Бунга, аввало, қишлоқ хўжалигини тубдан ислох қилиш, пахта якка-ҳокимлигиндан воз кечиш орқали эришилди. Мақолада таъкидланадиги, бугунги кунда Ўзбекистон ўзини галла билан тўлиқ таъминлабгина қолмай, МДҚ мамлакатлари, Афғонистон, Эрон ва бошқа давлатларга ун ва галла маҳсулотларини экспорт ҳам қилмоқда. Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, галла мустақиллигига эришиш мамлакат аҳолисини ун ва нон билан тўла таъминлабгина қолмай, аҳолига сут, гўшт ва гўшт маҳсулотлари етказиб бериш масаласини ҳал этишга хизмат қилди.

(Давоми 2-бетда).

А. САТТОРОВ,
ЎЗА МУХБИРИ.

Воксалар, янгиликлар, хабарлар

Бир рақам шарҳи

МАКТАБЛАР ЯНГИЧА ҚИЁФА КАСБ ЭТМОҚДА

2008 йилда мамлакатимизда 1 миң 875 та мактабда янги қурилиш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишлари бажарилди.

Булари бари ҳукуматимиз томонидан жамиятимиз келажаги — ёш авлод учун амалга оширилайётган ишларнинг ҳақиқий исботи бўлди.

Х аётиимизда энг қувончли кунлар ҳақида гап кетса, биринчи галда ўз тақдиримиз, ўз муваффақиятларимиз билан боғлиқ воқеаларни эслашга тушамиз. Агар шошмасдан, кенгроқ ўйлашга тутинсак, нимаси биландир кўнгилмизга яқин бўлган бошқа бировларнинг бахтли онлари биз учун ҳам шодиёнага айланган дамлар кўз ўнгимизда бир-бир жонлана бошлайди.

СОЗ АФСУНГАРИ

Шундай ҳолатларни кўп бошдан ўтказганмиз. Жумладан, Турғун Алиматов "Буюк хизматлари учун" ордени билан таъдирланганда, бу юксак мукофот худди ўзимга тақдим этилаётгандек, секингина ичимга сиймай кетганди.

Ғун оға қойилмақом тарзда ижрога этиб берибди. Дирижёрнинг бундан қувончи жўшиб: "Алло! Алло! Деб қичқирган, "Мана энди тасмага ёзамиз, тайёрланишлар", дея жамоани

Мерос

такрорий ижрога шайлаётганида, Турғун оға аста ўридан турибди-да, "Алиматов бир марта талади", дебди ва ҳаммамни ханг-манг қилганича, магарур одимлаб қичиб кетдики. Мана бизга, Алиматовга хос созандалик гурури!

МАҚСАД — ТАБИАТНИ АСРАШ

Сурхондарёда экологик муаммоларни ҳал этишга қаратилган истиқболли лойиҳаларни бажаришга катта эътибор берилмоқда.

Ўтган йили вилоятнинг бир қатор ижтимоий объектига муъжаз қўш электр станциялари ўрнатилганди. Натижада, муқобил энергия манбаидан узлуқсиз фойдаланаётган биргина Термиз тумани тиббиёт бirlашмасининг туғуруқ комплексидан электр қувватидан йилга 1,5-2 миллион сўмни тежаб қолиш имконияти туғилди.

Анжуман

— Айни пайтда техника фанлари номзоди Исомидин Абдураимов томонидан ишлаб чиқилган маъмурият саноатдан ҳамадан ўзгаришга қараганда, айни пайтда вилоят табиати муҳофазасига қаратилган кўп қисми раис П. Сафарова. — Агар технология самарадорлиги амалда исботланса, уни вилоят миқёсда таътиқ этмоқчимиз. Бу бир томондан, арзон хом ашёдан унумли фойдаланиш бўлса, иккинчи томондан, атроф-муҳитни асраб-авайлаш имкониятини яратди.

Гулбахор ТАНИРОВА.

Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт

Пойтахтимизда шахмат бўйича аёллар ўртасида Ўзбекистон чемпионати биринчи лигаси ўйинлари давом этмоқда.

Тўртта йўлланмага 33 даъвогар

Унда 33 нафар иштирокчи олий лигага бериладиган тўртта йўлланма учун беллашмоқда.

КИКБОКСИНГЧИЛАР БЕЛЛАШУВИ

Пойтахтимиздаги "Жар" спорт-соғломлаштириш мажмуасида кикбоксинг бўйича "Мега-спорт" клуби соврини учун республика очик биринчилиги бўлиб ўтди.

Унда мамлакатимиздаги 50 та спорт клубининг 500 нафар вакили медаллар учун кураш олиб борди.



3. ЖОНИБЕК ТАЙЁРЛАДИ.

ОБ-ҲАВО (12 февраль)

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти. Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлиши мумкин. Туман тушади. Кечаси 2 даража совуқ билан 3 даража илқ атрофида, кундузи 0-5 даража илқ бўлади.

Бухоро ҳамда Навоий вилоятлари. Ёғингарчилик қутилмайди. Туман тушади. Тунда 0-5, кундузи 5-10 даража илқ бўлади.

Самарқанд, Жиззах, Сирдарё вилоятлари. Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Туман тушади. Ҳарорат кечаси 0-5, кундузи 5-10 даража илқ бўлади.

Тошкент вилояти. Ёғингарчилик қутилмайди. Туман тушади. Тунда 0-5, кундузи 5-10 даража илқ бўлади.

Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари. Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Туман тушади. Кечаси 2-7, кундузи 7-12 даража илқ.

Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари. Ёғингарчилик қутилмайди. Туман тушади. Ҳарорат тунда 2 даража совуқ билан 3 даража илқ атрофида, кундузи 5-10 даража илқ бўлади.

Тошкент шаҳри. Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик қутилмайди. Тунда 0-2, кундузи 8-10 даража илқ бўлади.

«Ўзгидромет» маълумотлари асосида тайёрланди.

Оқгул халқаро турнирда

Таиланднинг Патая шаҳрида аёллар ўртасида теннис бўйича "PTT Pattaya Women's Open-2009" халқаро турнири бошланди.

ЖАҲОН БАНКИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИЖТИМОЙ ТАРАҚҚИЁТ ЖАМҒАРМАСИ

Ўзбекистонда 2009 йил учун навбатдаги грантларни эълон қилади

Жаҳон банкининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси Ўзбекистон Республикасининг нотижорат, нодавлат ва ноакадемик ташкилотлари учун фуқаролик жамияти ижтимоий тараққиёт жамғармаси (аввал Жаҳон банки Кичик грантлар дастури деб аталган, бундан буён эса ФЖЖ) доирасида грант танлови очилишини мамнуният билан эълон қилади.

Жошпанилар ва фирмалар раҳбарлари гуққатига! ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ ХУЗУРИДАГИ БОЛАЛАР СПОРТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЖАМҒАРМАСИ

ОЧИҚ ТЕНДЕР САВДОЛАРИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

ТТ-2009-I. Болалар спорт мажмуаларини жиҳозлаш учун спорт анжомлари ва ускуналарини етказиб бериш (харид қилиш миллий валюта — сўмда амалга оширилади).

ТТ-2009-II. Спорт кийимлари ва анжомларини харид қилиш (харид қилиш миллий валюта — сўмда амалга оширилади).

ТТ-2009-III. Болалар спорт мажмуаларини жиҳозлаш учун баскетбол тўпларини етказиб бериш (харид қилиш хорижий валюта — АҚШ долларларида амалга оширилади).

ТТ-2009-IV. Болалар спорт иншоотлари учун сунъий қопламаларни етказиб бериш ва монтаж қилиш (харид қилиш хорижий валюта — АҚШ долларларида амалга оширилади).

«Хундай» тез ёрдам кўрсатади

Яқинда Кўқон шаҳар тиббиёт бirlашмаси хузуридаги тез тиббий ёрдам станцияси автосаройига Жанубий Корея мамлакатидан ишлаб чиқарилган «Хундай» тез ёрдам автомашиналари келтирилди.

Энди Кўқондаги 64 та маҳалла ахлига «Хундай» русумидаги 5 та замонавий реомобил тезкор хизмат кўрсатади. Энг муҳими, бу тез ёрдам «Учқур от»лари беморлар учун зарур бўлган дори-дармон ҳамда бошқа тиббий жиҳозлар билан тўла таъминланган.

С. НАБИЕВ.

Халқ сўзи Народное слово

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 156. 52918 нусxada босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона 233-52-55; Котибхона 233-10-28; Ўзлоглар 236-09-25.

ISSN 2010-8788

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғоев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.00. Топширилди — 23.50

• МАНЗИЛИМИЗ: 100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилик кўчаси, 32-уй. Навбатчи муҳаррир — Ю. Хамидов. Навбатчи муҳаррир — А. Қутбидинов. Навбатчи — Ф. Абдюлов. Мусахҳах — Ш. Машраббеов.